

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 93-ҳадис

93- عَنْ أَبِي أَيُّوبَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ صَامَ رَمَضَانَ ثُمَّ أَتْبَعَهُ سِتًّا مِنْ شَوَّالٍ كَانَ كَصِيَامِ الدَّهْرِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Аюб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан Шавволдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади», дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Пайғамбар алайҳиссалом биз мусулмонларга дунё ва охиратда манфаат берадиган нарсаларни насихат қилардилар. Ана шулардан бири, Рамазондан кейинги Шаввол ойида олти кун нафл рўза тутишдир. Бу билан бир йил рўза тутганлик савобига эришиш имкони насиб бўлади. Чунки, бир яхшиликка Аллоҳ ҳузурда ўн баробар қилиб ажр-савоб берилади. Рамазон ойидаги 30 кунлик рўзани 10 га кўпайтирсак, йиғиндиси- 300 кун бўлади. Шаввол ойидаги 6 кунлик рўзани 10 га кўпайтирсак, йиғиндиси- 60 кун бўлади. Жами: 360 кун рўза бўлади. Демак, ким бир йил тўла рўза тутишни истаса, шаввол ойидаги 6 кунлик рўзани тутсин!

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Пайғамбар алайҳиссалом Шаввол ойидаги олти кунлик рўзани тарғиб қилганлар.
2. Ушбу кунларни Шавволнинг олти куни деб номлаш шарт, бошқача номлаш жоиз эмас.
3. Рамазон ойидаги 30 кунлик рўзани 10 га кўпайтирсак, йиғиндиси -300 кун бўлади. Шаввол ойидаги 6 кунлик рўзани 10 га кўпайтирсак, йиғиндиси -60 кун бўлади. Жами 360 кун бўлади. Демак, кимки йил бўйи рўза тутганни савобига эришмоқ истаса, Шавволнинг олти кунлик нафл рўзасини тутсин. $30 \times 10 = 300 + 6 \times 10 = 60 = 360$.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI